



Талабалик даври ўтиб кетади,

Канча гам-аламни ютиб кетади,

Калбдаги жарохат битиб кетади,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Кимга имкон кулар, кимгадир омад,

Кимга кувонч берар, кимга даромад,

Шу кутлуг даргоҳда чикардинг савод,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Сендан сўрамайди олтину кумуш,

Бош кўкка етса-да, килма фаромуш,

Вактингни олса хам рўзгору юмуш,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Устозга шухрату шавкат керакмас,

Ичига курт тушган савлат керакмас,

Мухаббат кифоя, давлат керакмас,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Ногахон кокилсанг тутар кўлингдан,

Гард юкмасин дейди ўнгу сўлингдан,

Кизгалдоқлар унсин юрган йўлингдан,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Мевада бор хатто нордону тахир,

Битта харф бўлса-да ўргатган ахир,

Сенинг омадингдан туймоқда фахр,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Кибрни улоктир, кулок тут бирпас,

Шукрки, нодону эмассан нокас,

Юрагим тубидан чикмоқда бир сас:

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас.

Майли дунё кулсин, фарёд йигласин,

Айбдор этиб калбга наштар тигласин,

Ягона илтимос эсдан чикмасин,

Уни бир кўрганда, «Устоз» десанг бас!

Эркин Кудратуллох